# «ПЕДАГОГИКА ПСИХОЛОГИЯ»
## фанларидан
# ДАСТУР

**Тузувчилар:** ф.ф.н.,доц. М. Примов.,

кат. ўқитувчилар: Г. Авалова, Қ. Султонов,
ўқитувчилар: Н. Холийгитова, А. Хуррамов.

**Тақризчилар:** п.ф.д.,проф. М.Куранов,
п.ф.н., доц. Ф.Бабашев,
п.ф.н., доц. Ф.Ҳайдаров.

Ушбу «Педагогика. Психология» фанлари бўйича ўқув дастурида таълим - тарбия жараёнлари қонуниятлари, замонавий ўқитиш усуллари, ривожланган таълим тизимлари ва Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг хусусиятлари ҳамда психологиянинг предмети, психология тарихи, билиш жараёнларининг психологик хусусиятлари, мулоқот, гуруҳлардаги психологик хусусиятлар, мустақил фикрлаш омиллари қамраб олинган.

В этой программе по предметам «Педагогика. Психология» определены основные направления педагогики и психологии в воспитании, образовании, во всех сферах жизни, освещены жизненные вопросы воспитания и образования зрелой личности, раскрыты принципы воспитания, образования, современные методы образования, развитые системы образования и своеобразие образования Республики Узбекистан, а также предоставлены важные теоретические и практические знания основам психологии и их регулирования. Особенно уделено внимание на познание себя и других, как вести себя в разных ситуациях и коллективе в обществе, мыслить свободно в разных психологических ситуациях.

The main directions of Pedagogics and Psychology concerning upbringing and education in all the sphere of life are defined in this programme on the subjects « Pedagogics. Psychology».

Vital questions of upbringing and educaion of a person at a mature age, the principles of upbringing and education, up - to - date methods of education, developed sistems of education and the peculiarity of education of the Republic of Uzbekistan are elucidated in it.

Some important theoretical and practical knowledge of the foundations of Psychology and their regulations are laid down and presented in the programme.

Particular attention is paid to knowing oneself and other people, to the manners of conducting oneself in a concrete collective body and society, the ways of thinking with case in varions psychological situations.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2003 йил 9 - сонли баённома)

# 1. СЎЗ БОШИ

**Ушбу фанларни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

«Педагогика. Психология» фанларининг мақсади иқтисодчи - бакалаврларга таълим - тарбия жараёнлари, индивидуал ва гуруҳлар хулқ - атвори қонуниятлари тўғрисида билим беришдир.

«Педагогика. Психология» фанларининг вазифаси иқтисодчи бакалаврларда иқтисодий хулқ - атвор шаклланишига таъсир этувчи педагогик - психологик омиллар, қонуниятлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

«Педагогика. Психология» фанларини ўрганишда талабалар Ўзбекистон тарихи, фалсафа, иқтисодий назария, маънавият асослари фанларини чуқур ўзлаштирган бўлиши лозим.

**Ўқув фанлари бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар**

Иқтисодчи бакалаврлар «Педагогика. Психология» фанларидан қуйидаги соҳалар бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши лозим:

- - педагогика ва психология фанларининг предмети, мақсади ва вазифалари тўғрисида;
- - педагогика ва психология фанларининг ривожланиш тарихи тўғрисида;
- - миллий таълим - тарбия тизими ва миллий психологик хусусиятлар тўғрисида;
- - таълим, тарбия, ўқитиш, ўрганиш, ўз - ўзини тарбиялаш, мустақил ўрганиш тамойиллари, қонуниятлари ва уларни шаллантиришнинг амалий кўникмалари тўғрисида;
- - фаолият, мотивлар, индивидуал хулқ - атвор, сезги, идрок, хотира, тафаккур, диққат, ирода, ҳиссиётлар, темперамент, қобилиятлар, муомала, гуруҳлар хулқ - атвори, тадбиркорлик хулқ - атвори тамойиллари, қонуниятлари ва уларни шакллантириш, такомиллаштира олиш тўғрисида;
- - педагогик ва психологик ташҳис тестларини фаолият соҳаларида қўллашни билишилари лозим.

# 2. ФАН ДАСТУРИ
# I ҚИСМ
# (Педагогика)

## Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Педагогика фанининг пайдо бўлиши. Педагогика таълим - тарбия ҳақидаги фан. Жамиятнинг тарихий тараққиёти давомида педагогиканинг ўрни ва ролининг ортиб бориши. Ўзбекистонда эркин демократик, фуқаролик жамиятни шакллантиришда педагогика фанининг аҳамияти.

Педагогиканинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни ва унинг уларга нисбатан бўлган муносабатининг ўзига хослиги. Педагогиканинг илмий, назарий, амалий ва келажакни белгилаш функциялари. қш авлодни тарбияси ҳамда таълим муаммосини ишлаб чиқишда педагогиканинг аҳамияти.

Педагогиканинг асосий категориялари: тарбия, таълим, маълумот, ўқитиш, ўзини ўзи тарбиялаш, мустақил ўқиш.

Таълим - билим, кўникма, малака, дунёқараш, фикр ва эътиқодларни шакллантириш эканлиги.

*Тарбия - инсон камолотиниг маҳсулидир*.

Маълумот - таълим - тарбия инъикосидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш шароитида педагогик илмий - тадқиқотларнинг ахамияти, уларнинг вазифаси, йўналишлари. Педагогик тадқиқотларнинг турлари: асосий, назарий, амалий.

Педагогиканинг илмий - тадқиқот методлари, тавсифи ва турлари. Назарий тадқиқот услублари: қиёсий, тарихий таҳлил қилиш, ва лойихалаштириш, эмпирик усуллари, илмий педагогик кузатиш ва унинг турлари.

## Миллий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида педагогика фани ривожланишининг асосий вазифалари ва тенденциялари.

«Миллий педагогика» тушунчасининг таърифи, моҳияти, асослари.

Педагогика фани тараққиётининг асосий босқичлари. Энг қадимги ёзма маърифий ёдгорликлар ва туркий халқлар ахлоқ - одоб тизимининг ўзига хос анъанавий хусусиятлари.

Ислом маърифий цивилизациясининг таълим - тарбияга таъсири. Ҳадис илми ривожида Имом Исмоил ал - Бухорий ва Имом ат - Термизийнинг хизматлари. Сўфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқин этилиши.

*Шарқ Уйғониш даврида мактаб, тарбия ва педагогик фикрлар тараққиёти.* Буюк мутафаккирлар таълим - тарбия ҳақида.

Темур ва Темурийлар даврида тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти.

Туркистонда чоризм мактаб сиёсатининг бошланиши. Рус - тузем мактаблари ва матбуот. Жадидчилик маърифати ва таълим - тарбия.

«Мустамлакачилик ва қарамлик шароитидаги» таълим - тарбия йўналишлари ва ундаги камчиликлар.

Мустақил Ўзбекистонда миллий таълимни ташкил этиш муаммолари.

**Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи**

Жаҳон педагогика фанининг тараққиёт босқичлари. Қадимги Юнонистон ва Рим давлатларида таълим - тарбия, педагогик қарашлар. Қадимги Хитойда таълим - тарбия. Конфуций.

Ғарбий Европада мактаб, маориф, ҳамда педагогик фикрлар тараққиёти.

*Жаҳон педагогика фани ривожланишига ҳисса қўшган буюк педагогларнинг ижтимоий педагогик фаолиятлари ва педагогик қарашлари.*

**Таълим жараёнининг моҳияти ва таълим назарияси**

Дидактика ҳақида тушунча. Дидактиканинг предмети ва асосий вазифалари.

Дидактиканинг асосий категориялари.

Таълим мазмуни ҳақида тушунча. Таълим мазмунини белгиловчи объектив ва субъектив омиллар. Таълимнинг икки томонлама жараён эканлиги, таълим жараёнининг асосий таркибий элементлари, мақсадлари, вазифалари, услублари.

*Таълим - билиш фаолиятида воқеликни билишнинг махсус шакли эканлиги. Мустақилликни мустаҳкамлаш таълимнинг моҳият - мазмуни эканлиги.*

Таълим мазмунини бойитиш йўллари: янги ўқув педагогик технологиялар, янги педагогик концепциялар, янги педагогик тестлар. Ўқув режалари, дастурлари ва дарсликларни мунтазам такомиллаштириш ва улардаги муқобиллик ҳолатини кўпайтириб бориш.

**Таълим қонуниятлари ва қоидалари Ўқитиш методлари ва муаммоли таълим**

Таълим қонуниятлари: таълимнинг жамият эҳтиёжларига боғлиқлиги, таълимда маълумот бериш.

Таълим жараёнини ҳаракатга келтирувчи омиллар. Таълим олиш ва таълимнинг мазмуни ўртасидаги диалектик боғлиқлик. Таълимнинг тарбияловчилик хусусиятлари.

Таълим қоидалари ҳақида тушунча. Таълимнинг илмийлиги. Таълимда узвийлик ва изчиллик. Таълимнинг тушунарлилиги, ҳаёт билан боғлиқлиги. Таълимда онглилик ва фаоллик. Таълимнинг тарбияловчилик имкониятларидан фойдаланиш. Таълимнинг кўрсатмали бўлиши. *Таълимни ва таълим тизимини демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш.* Таълимда шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш.

Ўқитиш методлари ва усуллари тўғрисида тушунча.

Ўқитиш методларини амалга ошириш учун қўйиладиган муайян талаблар.

Метод структурасига кирувчи ўқитиш усулларининг турлари.

Ўқитиш методларининг таснифи. Ўқитишнинг оқзаки методи. Ўтилган материаллар устида ишлаш ва янги материалларни ўрганишга тайёрланиш. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари. *Ўқитишнинг амалий методлари.*

**Таълим - тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари**

Ўқитишни ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча ва уни ташкил этиш шаклларининг қисқача тарихий шарҳи. Фронтал, гуруҳ ва якка тартибда ўқитиш. Ўқитиш системалари . Дарсни ташкил этишнинг мақсади, мазмуни, дарс самарадорлигини ошириш йўллари. Маъруза, суҳбат, практикум, семинар, факультатив, конференция, мустақил таълим, мустақил иш ва уларни таълим жараёнида ташкил этишнинг роли.

Олий ўқув юртларида ўқитишнинг ташкилий шакллари, ўқитишни таҳлил этиш барча шаклларининг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги.

Ўқитиш методлари ҳақида тушунча. Ўқитиш методи, усул ва воситалари. Ўқитиш методларини амалга ошириш шаклларининг хилма - хиллиги. Ўқитиш методларининг таснифи ва уларнинг таҳлили. Таълимни рағбатлантириш методи. Мустақил ишнинг ролини кучайтириш, мустақил ишлар турлари ва ўқитиш воситалари. Ўқитишнинг назарий ва ўз - ўзини назорат мезонлари. *Турли ўқув шаклларида ўқитиш мезонларини такомиллаштириш.* Ҳар хил йўналишдаги ўқув юртларида ўқитиш методларини таъминлаш хусусиятлари.

**Тарбия жараёнининг моҳияти ва вазифалари**

Тарбия жараёнининг таърифи. Тарбиянинг психологик асослари. Тарбия. Ўз - ўзини тарбиялаш, қайта тарбиялаш. Тарбия жараёни ва тарбиявий иш. Оила

мактаб ва турли муассасалардаги умумий ва махсус тарбия. Таълим билан тарбия жараёнининг бир бутунлиги. Тарбиянинг таълим жараёнида фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятлари. *Тарбия предмети сифатида муносабатларнинг моҳияти.* Муносабатларни шакллантириш шароитида тарбиянинг умумий қонуниятларига амал қилиши.

**Тарбиянинг умумий усуллари ва қоидалари**

Тарбия методи ҳақида тушунча. Тарбия воситалари. Тарбия воситалари ва методларининг ўзаро муносабатлари. Тарбия методларининг таснифига турлича ёндошиш. Ишонтириш тарбиянинг муҳим методи эканлиги. Ижобий намуна методи ва унинг турлари. Тарбияда машқ методи. Рағбатлантириш ва илхомлантиш методлари ҳақида. Тарбия методларини оптимал танлаш ва самарали қўллаш шартлари. *Тарбия методларини такомиллаштириш.*

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизими ва унинг асосий қонунлари**

Халқ таълим тизими. Ўзбекистонда ҳалқ таълимининг ташкил топиши. Ҳалқ таълим тизимини ислоҳ қилиш. Ҳалқ таълим тизимининг босқичлари. Ўзбекистон ҳалқ таълим тизимига тасниф. Ҳалқ таълим тизимидаги таълим - тарбия муассасаларига тасниф. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўналишлари. Дастур ва унинг тармоқлари. Дастур ва унинг тармоқлари. *Ҳалқ таълими тизими қурилишининг қоидалари.*

# II ҚИСМ
# (Психология)

**Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети. Янгича тафаккур ва миллий мафкура шаклланиши шароитида психологик билимларнинг тутган ўрни**

Янги давр ва психология. Инсон омили. Психологиянинг предмети. Психика. Психиканинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни. Табиий фанлар: биология, физиология, химия, физика ва б.қ. боғлиқлиги. Кибернетика фани соҳаси. Техника фанлари билан алоқаси. Иқтисодиёт билан алоқаси. *Психологиянинг тармоқлари.*

**Психологиянинг замонавий методлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш. Психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари**

Психологиянинг асосий методлари. Кузатиш методи. Сўроқ методи. Тестлар методи. Эксперимент. Моделлаштириш. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси. Сиёсат соҳасидаги психология. Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар. Маориф соҳасидаги амалий ишлар. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида психологик билимларнинг аҳамияти. Психологиянинг тадбиқий йўналишлари. *Психологик тестлар ва уларнинг имкониятлари.*

**Шахснинг фаоллиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш. Ижтимоий хулқ мотивацияси. Англанган ва англанмаган мотивлар**

Шахс ва унинг фаоллиги. Ташқи фаоллик. Ички фаоллик. Жисмоний ва ақлий харакатлар. Малака. Кўникмалар. Фаолият турлари: мулоқот, ўйин, ўқиш, меҳнат. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси. Мотивларнинг турлари. Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси. Инсон фаолиятининг ўзига хослиги. Профессионал малака ва кўникмаларнинг шаклланиши. *Мотивацион назариялар ва уларнинг қисқача таърифи*. Муваффақиятга эришиш мотивларини шахсда ўрганиш.

**Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Билиш мезонлари ва унинг адекватлиги.**

**Идрок, хотира ва диққат жараёнларини бошқариш**

Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият: идрок, сезгилар, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётлар. Идрок ва идрок қилиш қонунлари. Фигура ва фоннинг илгарилиги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни. Идрокнинг константлиги қонуни. Кутишлар ва таҳминларнинг идрокка таъсири. Ўзгармас маълумотнинг идрок қилинмаслиги қонуни. Англанганлик қонуни. Таҳминларни текшириш жараёнида идрок қилиш. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги. Идрокнинг инсон хатти - харакатлари билан алоқаси. Идрок образларининг шаклланишига олиб келувчи омиллар. Идрокнинг англанганлиги. Идрок ва тафаккур. Хотирадаги индивидуал фарқлар. *Психологиядаги хотира назариялари. Хотирани ўстирувчи психологик омиллар*

**Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш. Характер, темперамент ва**

**қобилиятларни билишнинг аҳамияти**

Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси: қобилиятлар, темперамент, характер, иродавий сифатлар, эмоциялар ва мотивация. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар. Лаёқат, иқтидор, истъедод. Қобилиятларнинг психологик структураси. *Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси*. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.

**Ҳозирги замон психологиясидаги асосий йўналишлар**

Ўзбекистон Республикасининг суверен, демократик тараққиёт йўлини танланганлиги натижасида чет эл психологияси назарий ва амалий мактабларидаги ғояларга нисбатан муносабатнинг ўзгариши.

Фунционал психология назарий қарашларнинг умумий мазмуни. Функционал психология вужудга келишининг ижтимоий ва назарий асослари. Бихевиоризм оқими вужудга келишидаги асосий эҳтиёжлар. Бихевиоризм оқимининг онг тушунчаси ва интроспекция усулига қарши чиқиши, унинг ўрнига ҳулқ - атвор тушунчасини илгари суриши. Гештальт психология оқими тўғрисида умумий тушунча. Гештальт психологияда идрок жараёнларида константлик (доимийлик), таркибий тузилишга эгалик, предмет образининг уни ўраб турган атроф - муҳит билан боғлиқлик қонунларини кашф этилиши.

Гештальт психология оқими асосий вакиллари М.Вертхеймер, В.Кёлер, Хоффко ва «Фи - феномен» мактабининг қарашларидаги назарий ғоялар. Фрейдизм оқимининг моҳияти. Инсон онгидан сиқиб чиқарилган аффектларнинг хулқ - атворга таъсирини ўрганилиши. *Гуманизм психологиясида инсонларга «очиқ имкониятларга эга ва ўз - ўзини такомилга етказа олувчи , ноёб тизим» сифатида қаралишлиги.* Гуманизм психологияси вакиллари Г.Олпорт, А.Маслоу, К.Роджерс қарашларининг мазмуни. К.Юнг онгсизлик табиати тўғрисида.

**Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш.**
**Гуруҳларнинг турлари. Гуруҳий ўзаро мослик, лидерлик ва конформизм ходисалари**

Шахс ва гуруҳ. Гуруҳларнинг турлари. Референт гуруҳ. Норматив гуруҳ. Қиёслаш гуруҳлари. Негатив гуруҳлар. Гуруҳ ўлчамлари ва унинг тизими. Жамоаларда психологик ўзаро мослик. Группавий қарорлар қабул қилишда ўзаро таъсир масаласи. Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш. Группавий фаолиятнинг самарадорлиги. Жамоаларда рўй берадиган психологик ҳодисалар. Жамоанинг шахсга ижобий ва салбий таъсири. Жамоаларни бошқаришнинг самарали усуллари. Меҳнат жамоаларининг конкрет шахсга ижобий таъсири. *Жамоанинг маънавий мухитини шакллантириш омиллари.*

**Тадбиркорлик ва бизнес психологияси асослари**

Тадбиркорлик ва бизнес фаолияти психологияси ҳақида. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий психологик омиллари: ижтимоий - иқтисодий, ҳудудий, сиёсий ва психологик.

Тадбиркорлик фаолиятида шахс психологияси. Лаёқат, истеъдод ва қобилиятлар. Муомала психологияси ва тадбиркорлик фаолияти. Тадбиркорлик фаолиятида низолар ва уларнинг олдини олишнинг психологик йўллари. *Тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш.*

Тадбиркорлик ва ташаббускорлик. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида реклама ва маркетингнинг ўрни. Тадбиркорлик ва бизнес шахснинг маънавий қиёфаси. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини бошқариш.

**Оила ва оилавий муносабатлар психологияси**

Оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятлари. Оиланинг шахсни шаклланишидаги роли. Оиланинг ижтимоий тарихий келиб чиқиши. Оилавий ҳаётда бўладиган ўзгаришлар, муаммолар, қонуниятлар. Оилавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. Оила мулоқоти. Оилани режалаштириш. Оиланинг асосий функциялари. Никоҳга етуклик хусусиятлари. Никоҳ ёши хусусиятлари. *Оилавий низолар*. Ота - оналарнинг обрўси ва шахсий намуналари тарбия самарадорлигини оширувчи омил сифатида. Оилавий тарбияни такомиллаштириш вазифалари.

## 3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ
## I ҚИСМ
## (Педагогика)

**Педагогика фанининг предмети, мақсади ва вазифалари**

Ижтимоий ва оила тарбиясининг бирлиги.* Тарбиявий ишни таъсирчанлигини оширишда муҳим омил.

Оила ва жамоатчиликнинг тарбиявий фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш. Тарбияда оила, мактаб, жамоатчилик ҳамкорлиги.

Оила ва мактаб тарбиясининг мақсади ва мазмунининг бирлиги. Ота - оналарни педагогик билимлар билан қуроллантириш. Ота - оналарни ўқув масканларидаги тарбиявий ишларига жалб этиш.

**Миллий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва унинг асосий вазифалари**

«Миллий педагогика», «Авесто», «Алпомиш», «Манас» достонларида тарбия масалалари.* Исломда таълим - тарбия. Ҳадис илмида таълим - тарбия. Суфийлик таълимоти. Марказий Осиёда XIV - XV асрларда мактаб, таълим - тарбия.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг таълим - тарбия ҳақида фикрлари. Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида таълим - тарбия, мактаб, Фан ва маданият. Рус - тузем мактаблари ва матбуот. Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва таълим - тарбия. Қарамлик ва мустамлакачилик йилларида таълим - тарбиядаги йўл қўйилган камчиликлар.

**Жаҳон педагогика фанининг ривожланиш тарихи**

Қадимги Юнонистон ва Римда таълим - тарбия, мактаб.

Аристотель, Сукрот, Платон, Квинтилианларнинг педагогик ғоялари.

Қадимги Хитойда таълим - тарбия. Конфуций таълим - тарбия ҳақида.

Европа мутафаккирлари таълим - тарбия ҳақида.* Жан Жак Руссо, К.Д.Ушинский, И. Г. Песталоццининг таълим - тарбия тўғрисидаги ғоялари.

**Дидактиканинг фан сифатидаги тараққиёти**
**Таълим қонуниятлари ва ўқитиш методлари**

Таълим мазмуни. Таълим мазмунини белгиловчи омиллар.* Ҳозирги даврда таълим мазмунига қўйиладиган талаблар.

Таълим қонуниятлари, таълимнинг тамойиллари. Ўқув мақсадларини назорат топшириқларига кўчириш.* Олий ўқув юртларидаги ўқитиш методлари ҳақида. Ўқитишнинг воситалари (дарслик ва ўқув қўлланмалари). Муаммоли вазиятларни яратиш.*

**Таълим - тарбиянинг замонавий ташкилий шакллари**

Таълим ва тарбия методларининг алоқаси. Таълим - тарбия методларининг самарадорлигини ошириш йўллари. Таълим ва тарбия жараёнини жадаллаштиришнинг моҳияти.*

**Тарбия жараёнининг моҳияти ва тарбиянинг**
**умумий шакллари, усуллари ва қоидалари**

Тарбия жараёни ва тарбиявий иш.* Тарбия ва таълим жараёнининг бир бутунлиги. Тарбия шакллари.* Тарбия методларининг хилма - хиллиги. Тарбия методларини такомиллаштиш.

Таълим - тарбияда илғор педагогик тажрибаларни
ўрганиш ва қўллаш

Илғор педагогик тажрибаларни зарурияти ва шароитига кўра танлаш.* Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллашни ташкил этиш тамойиллари. Таълим ва тарбияда жорий ва илғор педагогик тажрибаларни бир - бири билан тўлдириш муаммолари.

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими – тизими ва унинг асосий қонунлари**

Ўзбекистонда халқ таълимининг ташкил топиши. Халқ таълим тизимини ислоҳ қилиш. Таълим тизимининг босқичлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш йўналишлари.* Дастур ва унинг тармоқлари. Дастурни амалга огширишдаги дастлабки қадамлар.

Тарбияда мактаб, оила, жамоатчилик, маҳалла
ҳамкорлиги ва уларнинг боғлиқлиги

Маҳалла омилининг ёшлар тарбиясидаги ролини ортиб бориши. Мактаб, маҳалла ва оила бирлиги ифодаланган тарбиявий тадбирлар комплексини ишлаш методикаси.* Шарқона тарбия ва унинг умумжаҳон тарбия тамойиллари гармониясига уйғунлашиб бориши.

## II ҚИСМ
## (Психология)

### Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети.
### Янгича тафаккур ва миллий мафкура шаклланиши шароитида психологик билимларнинг тутган ўрни

Психология фанининг фанлар тизимида тутган ўрни. Психология фанининг тармоқлари ва уларнинг вазифалари. Психология ривожланаётган фанлар тизимида. Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотида психик қарашларнинг ўрни.

### Психологиянинг замонавий методлари ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.
### Амалий психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари

Психологиянинг асосий методлари: кузатиш, сўроқ, тест, эксперимент, моделлаштириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда психология фанининг мавзулари. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этилишида фаол иштирок этувчи шахснинг маънавий камолотида психологиянинг ўрни.

### Шахснинг фаоллиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш.
### Ижтимоий хулқ мотивацияси.
### Англанган ва англанмаган мотивлар

Фаолият ҳақида умумий тушунча. Шахс фаолияти ва унинг психологик тузилиши. Фаолият ва психик жараёнлар. Иш - ҳаракатлар инсон фаолиятидан бири эканлиги. Ташқи (амалий) ички (ақлий) иш - ҳаракатлар. Кўникма ва малакалар, уларнинг асосий турлари. Етакчи фаолият ҳақида тушунча.

### Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Билиш мезонлари ва унинг адекватлиги. Идрок, хотира ва диққат жараёнларини бошқариш

Диққатнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ва хусусиятлари. Таълим жараёнларида диққатнинг роли.

Сезгилар ва сезгилар тўғрисида назариялар. Сезги турлари. Сезгиларнинг Ч.Шерингтон классификацияси. Англиялик невролог Х. Хэднинг сезгилар тўғрисидаги генетик классификацияси хусусиятлари.

Идрок жараёнлари. Идрокнинг физиологик ва психологик хусусиялари.

**Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш. Характер, темперамент ва қобилиятларни билишнинг аҳамияти**

Темперамент шахснинг эмоционал қўзғалувчанлиги ва ҳаракатчанлигидаги индивидуал хусусиятлар йиғиндиси сифатида.

Характер тўғрисида тушунча. Характернинг фаолият ва муомала жараёнида шаклланиши.

Қобилият турлари. Қобилиятлар шаклланишида сензитив даврлар.

**Ҳозирги замон психологиясидаги асосий йўналишлар**

Функционал психология вужудга келишининг ижтимоий ва назарий асослари. Функционал психологияда онгга муносабат масалалари.

Бихевиоризм оқими вужудга келишидаги асосий омиллар.

Бихевиоризм оқимида онгга ва хулқ - атворга муносабат масалалари.

Гештальт психология оқими тўғрисида умумий тушунча. Гештальт психологияда предмет ва фазо муносабатларини идрок этиш масалалари.

Фрейдизм оқимининг моҳияти. Фрейдизмда неврозлар келиб чиқиш манбаига муносабат.

З.Фрейд классификациясига кўра руҳиятнинг уч хил тузилиши даражаси. Шахснинг таркибий тузилиши. Гуманизм психологиясида инсон ва инсон ресурсларига янгича муносабат.

**Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш.**
**Гуруҳларнинг турлари. Гуруҳий ўзаро мослик, лидерлик ва конформизм ҳодисалари**

Шахслараро муносабатларнинг юзага келиши. Шахс тараққиётида одамлар гуруҳи. Референт гуруҳ. Референт гуруҳлар турлари: норматив, қиёслаш, негатив. Психологик мослик мезонлари.

**Тадбиркорлик ва бизнес психологияси асослари***

Тадбиркорлик ва бизнес фаолияти психологияси ҳақида. Тадбиркорлик фаолиятида шахс психологияси хусусиятлари. Тадбиркорлик фаолиятида мулоқот жараёнининг аҳамияти. Тадбиркорлик фаолиятида низолар ва уларни олдини олишнинг психологик усуллари.

**Оила ва оилавий муносабатлар психологияси***

Оилада шахс шаклланиши ва ривожланиши. Оилада шахслараро муносабат. Оилавий низоларни бола руҳиятига таъсири. Никоҳга етуклик хусусиятлари.

Оила ижтимоийлашувининг асосий ва муҳим ўчоғи. Юртимизда оила давлат химоясида.

## 4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

**Кўргазма - намойиш материаллар рўйхати**

- - «Педагогика. Психология» курсининг илм - фан амалиёт билан боғлиқлигини намоён қилувчи схематик плакат
- - «Педагогика. Психология» илмий тадқиқот усуллари кўрсатилган плакат.
- - «Педагогика.Психология» курсидан таълим мазмунини ташкил қилувчи таълим тамойиллари кўрсатилган кўргазмали плакат.

Ўқув фильмлари рўйҳати (интернетдан олинади)
e - mail: sales @ piter - press.ru
e - mail: piter - t @ lincom.kharko.ua
e - mail:root@ top - book.nsk.su
e - mail:postbook@ piter-pressr.r

- - Ақлий тараққиёт тести.
- - Равен тести.
- - Бурдон жадвали.
- - Кеттел тести.
- - Айзенк сўровномаси.
- - К.Юнгнинг характер типини аниқлаш методикаси.
- - Дифференциал - диагностик сўровнома.

Дидактик материаллар рўйҳати; мультмедия иловалари.
Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.
Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фанга ажратилган максимал балл - 72, бундан жорий баҳолаш(ЖБ) 25,2 оралиқ баҳолашга(ОБ) 25,2 якуний баҳолашга (ЯБ) 21, 6 балл ажратилган. Жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлар талабалар билимини оқзаки, ёзма шаклларда назорат қилиш ҳамда рефератларни текшириш усулида ўтказилади.

# 6. АДАБИЁТЛАР

## Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни». - Т.:1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисидаги Қонуни. - Т.: 2001.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Конституциявий қонуни». – Т.: 2002.
5. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил, 9 сентябрь Фармони. // Халқ сўзи, 1998 йил 10 сентябрь.
6. «Маънавий ва маърифий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора - тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июль Қарори. // Халқ сўзи, 1998 йил 25 июль.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
11. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
13. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
14. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
16. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
17. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир. - Т.: Шарқ, 1997.

18. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
19. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
20. Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
21. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.
22. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
23. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. - Т.:Ўзбекистон, 2000.
24. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999.
25. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2000 й.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Аникеева Н. П. Жамоада руҳий муҳит. - Т.: Ўқитувчи, 1997.
2. Андреева Г. М. Социальная психология. - М.: 2000.
3. Адизова Т. М. Бошқарув мулоқоти психологияси. - Т.: 2000.
4. Ахлидинов Р. Ш. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиски, решения. - Т.: 1999.
5. Беспалько Б. Слагаемые в педагогической технологии М.: Педагогика, 1999.
6. Бодалев А. А. Мягкость и общение. - М.: Наука,1998.
7. Всемирная деклорация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. –Париж, 1998.
8. Высотский А.С. Вопросы теории и истории психологии. - М.: Мысль, 1996.
9. Дайана Халперн. Психология критического мышления. Санкт - Петербург, 2000.
10. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Телигл. Проект: Чтение в письмо для развития критического мышления Пособия 1 - 7. Бишкек, 1998.
11. Дўстмухаммедова Ш. А. Ўқувчиларга ўқув фаолиятларини бошқариш психологияси. - Т.: 2000.
12. Зиямуҳамедов Б. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2000.
13. Каримова В. М. Социал психология. – Фарғона.: Фарғона давлат университети, 1996.
14. Каримова В. М. Ижтимоий психология. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
15. Квинн В. Прикладная психология. Перев. с англ. - С - Пб.: Питер Ком, 1998.

16. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. - М.: МГУ, 2000.
17. Каримова В. М, Акрамова Ф. А Психология. Маърузалар матни. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
18. Каримова В. М. Ижтимоий психология асослари. - Т.: Ўқитувчи, 1998.
19. Майерс Д. Социальная психология. Перев. с англ. - С - Пб.: Питер Ком, 1998.
20. Мавлонов С, Тўраева Ж. Педагогика. - Т.: Ўқитувчи, 2001.
21. Мунавваров А. Қ. Оила педагогикаси. - Т.: Ўқитувчи, 1997.
22. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий таҳрири) - Т.: Ўқитувчи, 1996.
23. Пидкасистый П. И, Фридман Л М, Гарцков М. Г. Психолого - дидактический справочник преподавателя высшей школы. - М.: 1999.
24. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс. - М. : 1999 .
25. Психология. Учебник. - М. :1998.
26. Психология и педагогика /Под ред. А.А. Радугина - М. , Центр,1999.
27. Психология и педагогика: учебное пособие. /Под ред. 28.В.М.Николаенко - МИФРА/ - М. :Новосибирск, 1999.
28. Практическая психодиагностика. Методика и тесты. - М.: 1999.
29. Прикладная социальная психология. - М.: 1999.
30. Психология. Қисқача изоҳли луғат. - Т. : 1998
31. Равен Джон - младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М. :1999.
32. Саидов А. Конституция ва фуқаролик жамияти. // Ўзбекистон овози, 2002 йил 3 декабрь.
33. Сафаев Н.С, Ғаффоров Б. Т. Муомала сирлари. Дейл Карнеги тизими асосида тузилган маслаҳатлар. - Т.: Ўқитувчи, 1997.
34. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
35. Социальная психология. История. Теория. Эмпирические исследования. - Л.: 1999.
36. Стреляц Я. Роль темперамента в психологическом развитии. - М.: 2000.
37. Турғунов Қ. Психология терминларининг русча - ўзбекча изоҳли луғати. - Т.: Ўқитувчи, 1999.
38. Тошимов Р, Маматов М, Ғозиев Э. Ғ. Ақлий камолингизни аниқлай оласизми? - Т.: 1997.
39. Теоретическая и прикладная социальная психология.Отв. ред. А.И. Уледов. - М.: Мысль, 1998.
40. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумаева. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т.: 2002.
41. Чалдини Р. Психология влияния. - М.: 1999.

42. Эйдмиллер Э.Г, Юстицкий В.В. Психология и психотера - пия семьи. Перев. с англ. - Санкт - Петербург.: Питер Ком, 1998.
43. Шарифхўжаев М. Ўзбекситон: янги ғоялар, янги ютуқлар. –Т.:2002.
44. Қурбонов Ш, Сейтхалилов. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. - Т.: Шарқ, 2000.
45. Ғайбуллаев Н. Педагогика. - Т.: 1996.
46. Ғозиев Э. Г, Азимов Н, Усмонова Э. Диққат психологияси. Университет талабалари учун ўқув қўлланма. - ТошДУ.: 1998.
47. Ғозиев Э. Ғ, Хасанов Б. Психология назарияси. - Т.: 1998.
48. Ғозиев Э. Ғ. Инсон психологиясининг ривожланиши. - Т.: 1999.
49. Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. - Т.:Ўқитувчи, 1999.
50. Ғозиев Э. Психология. - Т.: Ўқитувчи, 1999.